

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 119 (9.922)

2003 ЙИЛ 19 ИЮНЬ



ЎЗБЕКИСТОН — ЭРОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

17-18 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Эрон Ислам Республикасида бўлди. Эрон ўзининг иқтисодий салоҳияти, табиий захиралари билан Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларида алоҳида ўрин тутадиган давлатдир. Жумладан, энергетика захиралари бўйича у дунёдаги «катта ўнлик»ка кириди.

Ўзбекистоннинг Эрон билан муносабатлари кўп соҳаларда жадал ривожланмоқда. Сафар олдида Президент Ислам Каримов икки мамлакат халқлари азал-азалдан бир-бирининг илм-фани, маданияти ва санъатини бойитиб, савдо-сотик қилиб келганини таъкидлади. Эрон Президенти Саййид Муҳаммад Хотамий давлатимиз раҳбарининг мазкур фикрини тасдиқлади.

Эронга ташрифдан қўзланган мақсад мавжуд алоқаларга баҳо

бериш, ҳамкорликнинг натижаларини сарҳисоб қилиш, мавжуд муаммоларга ечим топиш ва шу орқали муносабатлар қўламини янада кенгайтиришга йўл очишдан иборат эди.

17 июнь куни Эрон Президентининг «Жумхурия» қароргоҳида бўлиб ўтган музокаралар шу мақсадлардан келиб чиқувчи масалаларга қаратилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси
Барча маълумотлардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Кеча Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасида «Банк сирӣ тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда ушбу Қонун лойиҳасидан ўрин олган асосий қоидалар, банклар миқозлари манфаатларини муҳофаза қилиш стратегиясини ишлаб чиқишга доир долзарб масалалар кўриб чиқилди.

• Европа Иттифоқи Комиссияси ваколатхонасида «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битимни ҳаётга жорий қилишни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси иккинчи босқичининг тақдироти бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси билан Американинг Холокост ёдгорлик кенгаши ва унинг Вашингтондаги музейи ўртасида архив соҳаси бўйича идоралараро ҳамкорлик битими имзоланди.

• Қорақалпоғистон Республикаси пиллакорлари белгиланган 530 тонна ўрнига 538 тонна сара «кумуш тола» етиштирган ҳолда йиллик шартнома режасини бажардилар.

• Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини бирлаштириш мақсадида Амударё бўйлаб қурилаётган автомобиль ва темир йўл кўпригини бунёд этish борасида деярли 12 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

• Сурхондарёлик ёзувчи-журналист Истат Қосимзода Абдулла Қодирий таваллудининг 110 йиллигига муносиб армуғон тайёрлади. У адибнинг «Ўткан кунлар» романини тожик тилига таржима қилди.



Жаҳонда

• Кеча Пномпень шаҳрида Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси минтақавий форумининг X сессияси бошланди. Унда асосий эътибор терроризмга қарши кураш масаласига қаратилмоқда.

• Стокгольмдаги жаҳон тадқиқотлари институти ўз йиллик маълумотномасида хабар беришича, 2002 йилда жаҳондаги харбий соҳадаги харажатлари 794 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.

• АҚШ ва Арманистон муҳофаа вазирлари ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолашди.

• Расмий Пхеньян агарда Вашингтон ва Токио унга қарши камал ҳолатини жорий этишни бошласа, у ҳолда Шинмолий Корёя АҚШ ҳамда Японияга қарши уруш бошлаши мумкинлигини маълум қилди.



ЧИЛОНЗОР — ЯШНАЁТГАН ЧАМАНЗОР

Шу кунларда шаҳримизнинг энг йирик туманларидан бирининг ташкил этилганга қирк йил тўлмоқда. Мустақиллигимиз шарофати ила туманда барча соҳаларда ўзгариш ва янгиланишлар рўй берди, туман инфратузилмаси доимий равишда тақомиллашиб бордин.

Бугунги кунда чилонзорликлар мамлакатимизда давом этаётган иқтисодий, ижтимоий ислохотлар ривожига ўзларининг муҳим ҳиссаларини қўшмоқдалар.

(Давоми 4-5-бетларда)

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

□ **ЭРТАГА** иккинчи қаҳирқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтади.


□ **БУГУН** Бектемир туманидаги 291-мактаб оромгоҳида «Кувноқ» стартаплари ўйинлари бўлиб ўтди.

□ **ЭРТАГА** Ҳамза тумани қурилиш касб-хунар коллежиди туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Соғлом авлод учун» жағғармасининг туман бўлимлари ташаббуси билан «Гиевандлик — умр заволи» мавзусида плакатлар кўрик-танлови ҳамда сахна кўринишлари бўлиб ўтади.

□ **ИККИ** кундан кейин марказий «Пахтакор» ўйингоҳида мактаб ва лицей битирувчилари учун «Истиқлол умидлари» катта байрам тадбири уюштирилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Тошкентим — боғу бўстоним



Шаҳримиз кўчалари, майдонлари, боғу рогларининг чиройи, уларнинг ободон ва ям-яшил қиёфаси ҳақида кўп сўз юритамиз. Бироқ бу гўзалликдан баҳраманд бўлишимиз, катта шаҳар шароитида тоза ҳаводан бемалол тўйиб нафас олишимиз, сўлим гўшаларда дам олиб кайфиятимиз доимо кўтаринки бўлиши кўплаб инсонлар меҳнати эвазига таъминланаётганини ҳусусида нималарни биламиз? Очиғини айтганда, деярли ҳеч нараса.

Шаҳар Обodonлаштириш бош бошқармаси кўчалармзорлаштириш ва суғориш бўлими бошлиғи Ботир ОРТИҚХЎЖАЕВ бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдирди.

(Давоми 6-бетда)

Иқтисодиёт

СЎЗНАЛАР ЖИЛОСИ

Шаркона урф-одатларимизнинг қадри ҳамиша баланд. Бунга ёрқин мисол сўзанаю палак, зардевору дорпечларимизнинг ҳамон келинларини ҳонадонига фэйз бағишлаганидир.

Ана шундай маҳсулотларнинг янги-янги, харидор талаби асосидаги турларини яратишда шахримиздаги «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти чеварлари тadbиркорлик билан изланишмоқда. Корхонада халқ бадийи каштачилик буюмлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Ана шундай маҳсулотларнинг янги нусхаларидаги ипақлар жилоси товланиб, кўзларни қувватлади.

Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида жамоа чеварлари томонидан 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Айниқса, миллий қадриятларимизни ўзида муҳассан этган сўзана, гўлпурча, дорпеч, жойнамоз, зардевор, болалар тўплами ва бошқа совға буюмлари харидорларни ҳушунд этди. Корхона қошида фаолият қўрсатаётган «Палак», «Каштачи» шўба корхоналарида ҳам маҳсулот сифати ва кўринишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг қувонарлики, чеварларнинг бетакор буюмларига хорижликлар ҳам харидор бўлишмоқда.

ТАЛАБЛАР АСОСИДА

Хар бир корхонада маҳсулот тайёрлашда бозор талабидан, харидор диди ва эhtiёжидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш ютуқлар гаровидир.

Ишлаб чиқарилган ана шундай товарлар эса харидорлиги билан ажралиб туради. «Тошқинлоқмаш» акциядорлик жамиятида ҳам халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш борасида изланишлар давом этмоқда. Бу борада корхона конструкторларининг изланишлари яхши натижа қўсатмоқда.

Жамоада маҳаллий хом ашёдан қишлоқ хўжалигида ва бошқа юмушларда кенг қўлланиладиган турли белкуррак, теша, хаскаш, тирма, қайчининг бир неча турлари, тўсиқ панжаралар, томорқаларда ишлатиладиган аравачалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

— Бундай халқ истеъмоли буюмларининг янги рақобатбардош ва қулай, беҳимир турларини яратиш устида тинмай изланаемиз, — дейди корхона бош конструктори Миржалол Миряхёев. — Яқинда ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлигини таъминлаш асосий мақсадимиздир.

Тadbиркорлик

МИЖОЗЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Беҳирим ва замонавий кийимларнинг миждо кўп бўлади, албатта. Ана шундан хулоса чиқарган шахримиздаги «Азиза Сайфи кизи» хусусий фирмаси чеварлари миждозлар талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда изланишмоқда.

Ўтган йил охирида 21 давлат вакиллари иштирок этган Францияда бўлиб ўтган халқаро кўрғазмада иштирок этган тadbиркор рахбар Азиза Ғуломова жорий йилда янги таассуротлар билан иш бошлади. Албатта, янги бичимдаги кийим-кечаларни миждозлар талаби асосида тайёрлаб бериш фирмада яхши йўлга қўйилган. Шу боисдан ҳам миждозлар сафи кундан кунга кенгайиб бормоқда. Ўтган йилда аҳолига 10 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йилда ушбу рақамни 15 миллион сўмга етказиш кўзда тутилган.

Дилноза ҒИЁСОВА

ЎЗБЕКИСТОН — ЭРОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда Ўзбекистон-Эрон муносабатлари ўзаро тенглик, ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида жадал ривожланмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги таширлар, ҳукумат делегацияларининг музокаралари уюштирилди. 2000 йилнинг июнида Ўзбекистон Президенти Техронга ташир буюрди, ўтган йилнинг апрелида эса Эрон рахбари Тошкентга келди. Бу воқеалар муносабатларимиз тарихида янги саҳифалар очилишига хизмат қилди, албатта. Мамлакатларимиз икки томонлама манфаат асосидаги узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб бормоқда.

Хозирги кунда икки давлат минтақавий хавфсизлик, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда фаол ҳамкорлик қилиб келяпти.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги муносабатларнинг энг муҳим қисmini транспорт коммуникациялари ташкил этади. Томонлар бу борада мунтазам мулоқотларни йўлга қўйган. 1996 йили Ўзбекистон Эрон ҳудуди орқали 34 минг тонна транзит юк олиб ўтган бўлса, 2002 йили бу борадаги кўрсаткич 500 минг тоннага етди. Ўтган йили Ўзбекистон ҳудуди орқали Эроннинг 750 минг тонна юк ташилди. Савдо-сотиқ қўлини ҳам шундай суръатда ошмоқда. 2002 йили у 1998 йилга нисбатан 4 баробар ошиб, 260 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Мамлакатларимиз банк-молия соҳасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келяпти.

Техрондаги музокараларда Эрон рахбари ўз мамлакатини икки томонлама алоқаларини кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Ислон Каримовнинг ушбу ташири ҳамкорлигини янада ривожлантириш, уни ҳар томонлама бойитиш учун пухта замин яратишига ишонч билдирди.

Музокаралар якуни ушбу ишонч ҳамда Ўзбекистон ва Эронда ўзаро муносабатларни ривожлантиришга интилиш қучли эканлигини тасдиқлади. Президентлар музокара якунилари юзасидан қўшма баёнот имзолади. Ҳужуматлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар, савдо имтиёзлари, уюмликлар қарантини борасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Эрон Экспортни ривожлантириш банки ўртасида кредит битими, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати билан Эрон Хавфсизлик вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми қабул қилинди. 2000 йили имзоланган экстрадиция тўғрисидаги битим бўйича ратификация ёрлиқлари алмашилди.

Транспорт коммуникациялари иқтисодиётнинг асосий бўғинларидан бири саналади. Ўзбекистон учун денгиз йўлларига чиқиш имконияти чеклангани муйайян қийинчиликлар туғдираётгани сир эмас. Тўғри, Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, шимолӣ йўналишда коммуникация тармоқлари мавжуд. Лекин мамлакат нигоҳини фақат бир томонга қаратиш ҳам унчалик тўғри бўлмайди.

Шу сабабли ҳам Ислон Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон, Афғонистон, Эрон ҳамда Ислон тараққиёт банки ва Осиё тараққиёт банки иштирокида трансфрон йўналиғини очиб лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. У Термиздан бошлаб, Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Хирот шаҳарлари орқали Эрон ҳудудига туташади. Эрондаги мавжуд коммуникация тизимлари эса Бандар Аббос ҳамда Чорбаҳор бандароҳларига етиб олиш имконини беради. Бу билан Марказий Осиёдан Форс қўрғазига, океанга туташган бандароҳларга чиқиш, у ёқдан эса минтақамизга келиш учун янги, арзон ва қулай йўл очилади.

Ушбу масала таширининг иккинчи кунда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов, Эрон Президенти Мухаммад Хотамий ва Афғонистон Ўтиш ҳукумати раиси Хамид Карзай иштирокида бўлган уч томонлама учрашувнинг асосий мавзуси бўлди.

Эрон ва Афғонистон рахбарлари Ислон Каримовнинг мазкур ташаббусини тарихий воқеа сифатида баҳолади. Зеро, йўл қури-

лиши нафақат мазкур уч мамлакат, балки уларга қўшни давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар кескин ривожланишига ҳам йўл очиб аниқ.

Бу лойиҳанинг фақат интеграцияни ривожлантиришдаги аҳамияти эмас, Афғонистон иқтисодиётига келтирадиган фойдаси ҳам бекиёсдир. Йўл қурилиши ўз-ўзидан бошқа соҳаларни ривожлантиради. Янги тармоқлар пайдо бўлади, минглаб одамлар иш билан таъминланади. Ислон Каримовнинг айтишича, Афғонистон ўзи юк ташимаган тақдирда ҳам, транзит хизматидан катта даромад кўради.

Афғонистонда кенган узоқ йиллик уруш Ўзбекистон учун жанубий йўналишларни ўзлаштиришда катта тўсиқ бўлиб келди. Ниҳоят, бу мамлакат тинч ҳаётга қадам қўйганидан кейин ҳамкорлик имкониятлари пайдо бўлмоқда.

Трансфрон йўлига ҳақида гап очилмасидан олдин Ўзбекистон Афғонистонга коммуникация тармоқларини тиклашда ёрдамида бошлаб юборган. Кўприкларимиз шу кунгача ушбу мамлакатдаги бир неча кўприкни тиклаб, фойдаланишга топширди. Улар таъмирланяжак кўприклар сони эса ўндан зиёд. Демак, лойиҳа бу саммитдан анча аввал ҳаётга таъбиқ этила бошлаган, дейишга асосимиз етарли.

Албатта, бундай олтин ишни бажариш катта маблаг талаб қилди. Техрондаги уч томонлама музокараларда бу масала ҳам муҳкама этилди. Президентларнинг билдиришича, ҳозирданқ қатор давлатлар, халқаро молия ташкилотлари лойиҳага қизиқиш билдиришмоқда. Бу Президентимиз ташаббусининг истиқболли порлоқ, деб хулоса қилишига имкон беради.

Музокаралар якунида Ислон Каримов, Мухаммад Хотамий ва Хамид Карзай ушбу масалаларни қамраган Халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битимга имзо чекди. Президент Ислон Каримов таъбири билан айтганда, уч давлат рахбари мазкур лойиҳага оқ фотиҳа берди.

Ўзбекистон рахбари Ислон тараққиёт банки (ИТБ) президенти Аҳмад Мухаммад Али Ал-Маданий билан ҳам учрашди. Сўхбат давомида халқаро коммуникация тармоқларини ривожлантиришда ИТБ билан ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, томонлар мазкур банк билан Ўзбекистон молия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш масаласини муҳкама этди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ҳамда Афғонистон Ўтиш ҳукумати раиси Хамид Карзай иштирокида икки мамлакат делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон-Афғонистон муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимиз томонидан қўшни ўлкага ёрдамни қўлайитириш, тикланиш ишларидаги иштирокимизни кенгайтиришга оид масалалар муҳкама қилинди.

Ташир афрасида Ислон Каримов журналистлар билан суҳбатда улуғ шoirирий Алишер Навоийнинг Хиротдаги қабрини ободонлаштириш масаласига ҳам тўхтаган эди. Техрондаги музокарада бу мавзу яна бир бор тилга олинди. Афғонистон бу борада Ўзбекистонга ҳар томонлама шароит яратишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Шу билан Президент Ислон Каримовнинг Эронга расмий ташири ниҳоясига етди.

Эрон матбуоти бу таширфга алоҳида қизиқиш билан ёндошганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Зеро, Ислон Каримовнинг Техрон сафари нафақат Ўзбекистон-Эрон муносабатлари, балки минтақавий интеграция ривож учун янги имкониятлар ашиғини очди.

«Иран ньюс» газетаси қўйилганлари эъади: «Шўбха йўқки, жаноб Ислон Каримовнинг ташири Афғонистон — Эрон муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади ва ҳамкорлиқнинг янги уфқларини очиб беради».

Ҳа, манфаатлар уйғун, яқдиллик мавжуд. Демак, ҳамкорлик янада раванқ топиши учун муҳкам замин яратилди. Бу ҳамкорлик ўз самарасини беришига барча асослар етарли.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Техрон-Тошкент.

• ШАҲАР-ХЎЖАЛИГИ МАВЗУИДА

Инсон ҳаётини сув, газ, электр энергияси каби табиий ресурсларсиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки, ана шу бойликлар улардан оқилона, исрофгарчиликсиз фойдаланиш учун берилган. Дунёдаги аксарият мамлакатларда, у ҳош ривожланган, ҳош эндигина ривожланиб келаётган бўлмасин, юқорида санаб ўтилган неъматларни асраш, улардан тоғри фойдаланиш ва аҳолига тўғри тақсимлаш борасида чор-тadbирлар ишлаб чиқилган. Мана масалан, Европанинг Буюк Британия, Германия каби давлатларида кўчалардаги ёритиш мосламалари махсус ўрнатилган бўлиб, улар олдиндан одам ўтган вақтда йўлакларни ёритиш туради, узоқлашгандан сўнг эса автоматик равишда сўнади. Бу — ўз-ўзидан табиий бойликларнинг қандай қадрланишидан далолатдир.

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Бугун бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатимизда ҳам хорижда бўлган каби онгли равишда уларни тежаб ишлатишга тўғри келиб қолди. Бундай ҳолат кишилар онгда тўғри тушуна ҳосил қиломоғи зарур, чунки биз бугун уларни тежасак, эртага келажак авлод олдидан юзимиз ёруғ бўлади.

Афсуски, бугунги кунда ҳаётимизда масалага жиддий ёндашмайдиган, шахсий манфаатини ҳам нарсадан устун қўядиган шахслар ҳам учраб туради. Улар томонидан ўзбошимчилик билан устунларга электр симларини улаб олиш, ҳеч қандай шартнома тузмасдан ва тўловларини белгиланган тартибда амалга оширмасдан энергия ресурсларидан фойдаланилиши фикримизнинг яққол далилидир. Улар уларнинг бундай ноқонуний ҳаракатлари билан бир томондан ўз қўшини ҳонадонлари электр таъминотиининг барқарорлигига салбий таъсир ўтказиши, иккинчи томондан давлатимиз хазинасига маълум даражада зарар етказишидир.

Айтиш жоизки, бундай ноқонуний уланшларга қарши кураш борасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тегишли мутасадди раҳбарларга бир неча бор тўғридан тўғри, аниқ кўрсатмалар берилган

бўлишига қарамасдан, жойларда ҳали ҳамон қонун талабларини четлаб ўтган ҳолда энерго ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйиб келинмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси назорат бўлими ҳамда Матбуот хизмати ходимлари ҳамкорлигида шаҳар «Электр тармоқлари» корхонаси вакиллари иштирокида ўтказилган ўрганишлар натижасида Шайхонтохур тумани Ф. Садриддинова кўчасида ишчирина фаолият юритаётган хусусий тadbиркор Одиловга қарашли тикув цехида 13 та тикув машинаси ва бошқа хизматлар учун ўзбошимчилик билан электр уланлиб олиб, ҳеч қандай тўловларни амалга оширмасдан фаолият юритаётганлиги аниқланди. Шунингдек, Юнусобод тумани «Радиостанция» мавзесида қурилаётган 20 га яқин яқка тартибдаги уй-жойларда 14 ҳолатда ўзбошимчилик билан электр тармоқларига уланлиб, олиб борилаётган қурилиш ишларида катта электр қувватида ишлайдиган электр пайвандлаш ускунаси, электр, арра, бетон қорши каби электр ускуналаридан ноқонуний равишда фойдаланилаётганлиги кузатилди.

Ушбу қурилиш объектлари худудлари-

да қурувчилар томонидан техника хавфсизлиги чораларини кўзлабмасдан юқори қувватли электр симлари тортилган. Уларнинг одам бўйи баробарида осилиб ётиш оқибатида бирор нохуш ҳолат юз бериши мумкинлиги борасида ишлайтган қурувчилар олдида жавобгарлик масаласи кўндаланг қўйилганда, улар елка қисиб «Билмадим» дея жавоб беришдан нари боришмади.

Ўтказилган наватдаги рейд натижалари юзасидан тўплаган маълумотлар Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан кўриб чиқилиб, туман ҳокимлигари ҳамда тегишли корхона ва ташкилот раҳбарлигига камчиликлари бартараф этиш ва келгусида бу каби қонунбузарликлар содир этилишининг олдини олиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

«Қинғир ишининг қийғи қирқ йилда ҳам чиқади» деганларга бежиз эмас. Бугун бир ердан турли ноқонуний йўллар билан пулни тежаш орқали кун кечираётган ва уларга қўшилиб қонунбузарликлар содир этилишига йўл қўйиб берилаётган шахсларга нисбатан эртага мутасадди ташкилотлар томонидан тегишли чоралар қўрилиши муқаррар.

Б. АЗИЗОВ

Маданият

КЕТМА-КЕТ ИККИ СПЕКТАКЛЬ

Ўзбекистон Ёшлари театри репертуари янги асарлар билан бойиб бормоқда. «Раққос Шароннинг маҳорати» спектакли эса яқинда сахна юзини кўрди. Ундаги бош ролни франциялик машҳур раққос санъаткор Лоранс Левассер ижро этди.

Театр ижодий гуруҳи ҳозир
яна бир мусиқали постановка
устада иш олиб бормоқда. Та-
ниқли ёзувчи Темур Зулфиқо-
ров ёзган пьеса асосида сахна-
га олиб чиқилаётган бу спек-
таклга бастакор Дмитрий Янов
Яновский ёқимли мусиқа ёзиб
берди.

Моҳир режиссёр Наби Абдураҳмонов бошчилигидаги ижодий гуруҳнинг мазкур сахна асари яқин орада ўз мухлисларига тақдим этилади.

**«ТИНЧЛИК»
РАСМИГА — ДИПЛОМ**

Ўзбекистон Бадий академияси республикаимизда болалар ижодиётини ривожлантириш жараёнига яқиндан бош қўшмоқда. Академия саъй-ҳаракати билан ёш rassomлар тўғрак ва студияларида яратилаётган ижод намуналаридан кўча кўргазмалардан бир нечаси тайёрланди.

Бундай экспозициядан бири Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган болалар чизган расмлар XVII халқаро танловига тақдим қилинди. Қунҷиқар мамлакатнинг халқаро тинчлик мемориал музейида намоиш қилинган бу кўргазмадан ўрин олган «Тинчлик» картинаси Хиросима шаҳри мэри таъсис этган махсус диплом билан тақдирланди.

Тошкентдаги «Камалак» тасвирий санъат студияси ёш rassomлари ижодий ишлари халқаро танловда ғолиб деб топилди ва дипломларни қўлга киритди.

КЎРГАЗМА КАТАЛОГИГА КИРИТИЛДИ

Республика бадий илмий тадқиқот маркази истеъдодли ногирон болалар учун ижод ва маҳорат даргоҳига айланиб қолди. Ҳозир бу ерда таъсирий санъат студияси ҳам ишлаб турибди.

Расм чизиш санъатида меҳр кўйган ҳаваскор rassomлардан бир гуруҳи яратган картиналар Грецияда ўтказилган ногирон болалар ижодиёти халқаро танловида ғолибликни кўлга киритди. Бу rassomлар ушбу кўргазма каталогига ҳам киритилди.

Марказ ижодкор ёшлари чизган расмлар Ўзбекистондаги ҳинд маданияти марказида уюштирилган танловда совринли мукофотлар билан тақдирланди. Тошкентдаги Япония маданияти марказида ўтказилганда кўргазма-танловга ҳам бир неча картина танлов олинди. Шунингдек, қатор ижод намуналари кўнча кўргазмалар орқали ҳойларда намойиш қилинади.

Акбар АЛИЕВ

«Хуқуқшунос бўлиш осон эмас, деган эсдаликларимиз Абдуғафур Абдумажидов ҳақида илиқ сўзларини деганам. Биз у билан манфур урушнинг энг оғир йилларида Тошкент Давлат юридик институтида тахсил кўрганмиз. Абдуғафур институти тугатган прокуратура органида маъсул лавозимларда ишлади. Сўнгра аспирантурада ўқишни давом эттирди. Унинг мақсади ҳақиқий хуқуқшунос олиб бўлиб етишмок эди. Бунинг

учун ҳаётий тажриба, кенг билим бўлмоғи даркор. Ҳа, дўстим кунт билан ўқиб, Петербургда 1961 йил номзодлик диссертациясини ҳам ёқлади. Ватанимизга қайтган, академик Ҳадича Сулаймонова раҳбарлигида илмий-тадқиқотларини давом эттирди. Шу улуг аломонинг тавсияси билан 1966-1973-йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг юриди бўлимида мудири бўлиб ишлади. Мазкур бўлим қонун чиқариш ва уларни ҳаёта, амалиётга татбиқ этишни таъминлаш учун масъул эди.

Уша йиллари мен ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида ишлар эдим, ҳам Олий орган депутати ва доимий комиссия раиси сифатида қонун лойиҳаларини ишлаш, муҳокамадан ўтказиш жараёнларида Абдуғафур Абдумажидов билан ҳамкорликда ишладик. Ана шу иш жараёнида катта ҳуқуқшунос олимнинг тиним билмай, орта-ю кеч фаолият кўрсатиб, масъулиятни ҳис этиб ишлаганлигининг гувоҳиман. У қонунларнинг ҳар бири банди, жумла тузилиши аниқ ва пухталиги, ҳатто нукта, вергулларигача синчковлик билан қўриб чиқар, уни сессия муҳокамасига тақомил, пишик-пuxта ҳужжат сифатида киритилишига эришарди.

Эдмилда, Абдуғафур Абдумажидов 1973 йилдан бошлаб илҳига қайтиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фалсафа институтида катта илмий ходим ишлаб бошлади. Кейин 23 йил ИИВ Олий мактаби — хозирги миясида кафедра бошлиғи ва гоҳинг бошлиғи ўринбосари ишлади. Айни вақтда 1983-йил торлик диссертациясини ёқлаб мактабинг дастурлари, унлаб лари, методик қўлланмаларини чиқишда тажрибали олим, назҳам амалиётчи сифатида маҳисса қўсди. Зукко олим юздн илмий асар ва мақолалар ёзди.

Маълули, қонулар — давлат сиёсатининг оймаси. Агар қонуларнинг устуворлиги бузилса, жамиятда давлатнинг ҳам обуричилиши бошланади. Зеро, бу устуворлик давлат сиёсатининг одиллиги, ҳаётиилигини таъминлайди. Адолатли, ҳаётий устувор қонулар — давлат куч-қудратининг асосиди. Агар лавозим эгаси қонун-қоидаларга риоя этмаса, уни ҳурмат қилмаса, бузса, эл-юрт нафратига учрайди. Қонунга ҳурматсиз-

• ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ

**МАСЛАҲАТГҶҢ,
ОЛИМ, ДҶСТ!**

Отам дер эдилар, «бироваг маслахат беришда устаси парангсан, ўзинга келганда ожиз қолурсан». Шу сабаб кишига ҳамиша дард-ҳасратларингни сўзлайдиган маслахатгўй қадрдон ҳатто зарур. Мен учун азиз ва қўнглимга яқин дўстларимдан бири атоқли ҳуқуқшунос алломаи замон Абдуғафур Абдумажидовдир.



лик давлат сиёсатига ҳурматсизликдир.

Абдугауур Абдумакидов ўз шайхлиги амалии фаолиятида ана шу ҳаётий сабақларга амал қилди. Ҳуқуқшуносликда энг ноҳи, масъулияти ва шарафли касбга ҳамма содиқ қолди. Ҳақиқатдан ҳам бундай ўйлаб қарасангиз, бу касб ҳуқуқшунослик мутахассислигига қоят қийин, ҳам шарафлидир. Буни ҳуқуқ-тартиб соҳасида хизмат қилаётганлар жуда яхши биладилар. «Ҳаётинг қил устид» деганлари кўпроқ ҳуқуқшунос касб эгаларига тегишлидир. Салгина кундан ташқарига чиқиб, уни бузиш, ғарбдорлик, қарбдорлик ҳуқуқшунослик касбига, амаломат, адолатга хиёнат қилишдир.

Абдуғулар Абдуҳамидов илмий-аълоий фаолияти ўз касбияга доғ туширмай, ҳуқуқшунослик фанининг ривожига, мазкур касб учун кадрлар тайёрлаш ишига муносиб хисса қўшаётган алломалардан биридир. Республикаимиз Парламента-да фаолият қўрсатган йиллари ёр ва сув ҳақида, оила ва никоҳ ҳақида, меҳнат ҳақида, табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида, маданий ёдгорликларни авайлаб-асраш тўғрисида ва бошқа ҳаётий қонунларни тайёрлаш, қабул қилишда Абдуғулар Абдуҳамидовнинг иштироки ай-ниқас диққатга сазовордир. Мен ўша кезлари Абдуғулар Аб-дуҳамидовни билардим ҳуқуқшунос олим сифатида кашф этган-ман.

Инсон деган сўз, энг улуғ қаломдир. Билгинки, сен Оллоҳ яратган барча жонзотлар ичида энг мукаммали, энг олий зот эрурсан. Шу сабаб сени ардоқлаб инсон дерлар. Чунки инсон ҳаммадан илгари ақл соҳибидир. Шу боис инсон ҳамisha инсонлигича қолмоғи даркор. Ҳаётида қам, юриш-туришда ҳам ҳалоллик, поклик, эл-юрт ишига садқатли, меҳроқибатли, ҳақгўй, адолатли бўлмоқ ҳақиқий инсонга хос хусусиятлардир.

Кадрдон дўстим Абдуғафур ўз ҳаётида, юриш-туришида, илмий-амалий фаолиятида ҳамиша инсон номига муносиви шун тугди, тўтмоқда, ҳақиқатга, ўз ватанига садоқатли, ҳамиша дўстлар ардоғида. Агар сен кадрдон дўстингни йўқотиб қўймай десанг, кечиримли бўл, унга содиқ бўл. Бу Курыон сўзи, Флрх каломи, дейди Абдуғафур Абдумажидов суҳбат чоғида. Ҳа, дунёда ҳеч нарсаси жавобсиз қолмайди. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам.

Истиклолимиз йилларида ҳам Абдуғафур Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун лойиҳаларини тайёрлашда фаол қатнашиб келмоқда. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига судья этиб сайланди. Бугунги кунда эса Республика Ҳукуқи маръифат тарғиботи Марказига раҳбарлик қилмоқда.

Мана, атоқли ҳуқуқшунос олим Абдуғафур Абдумажидов етмиш беш ёшга тўлди. Бу ақл-идрок, илмий-ижодий камолот ёшидир.

Сенга сихат-саломатлик, узоқ умр,
бахт-саодат тилайман, ҳамиша эл-юрт
ардоғида, ҳурматида қол, азиз замондо-
шим!

Мақсуд ҚОРИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН 30 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Польша Молия вазирининг ўринбосари Марек Очепка бошчилигидаги польшалик вакиллар Тошкентда бўлишди.

Польшалик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида, Таъки иқтисодий алоқала агентлигида ва Миллий банкда музокаралар ўтказишди. Урашувларда Польша Республикаси ҳукумати Ўзбекистонга икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун 30 миллион доллар миқдорда кредит бериш тўғрисидаги ҳужуматларро битимни расмийлаштириш муҳокма этилди.

Битим лоийҳаси тасдиқланди, у Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг шу йил июль ойида Польшага таъшири чоғида расман имзоланади.

Бу Ўзбекистон раҳбарининг
Польша президенти Александер
Квасневскининг 2002 йил октябри-
да Ўзбекистонга ташрифига жавоб
ташрифи бўлиб, Тошкентдаги учра-
шув икки мамлакат ўртасидаги ўзаро
муносабатларни ривожлантири-
ришда, хусусан, экологик муаммо-
ларнинг ҳал этиш ва интеграцияни
кенгайтиришда муҳим аҳамият касб
этди. Томонлар икситидиш алоқалари
ни кенгайтириш борасида келишиб
олдилар. Зеро, 2001 йилда товар
айланмаси бор-йўғи 31,4 миллион
тонна бўлиб, бу кўрсаткич НАТО
аъзоси ва Европа Иттифоқи-
нинг бўлажак аъзоси сифатида
Ўзбекистон учун Европада дарча
бўлишига тайёр. Учрашувда кўпма-
қонлик, шунингдек, уюшган жи-
ноятчиликка қарши курашиш ва қи-
лдоқ ҳўжалиги ҳосяида ҳамкорлик
тўғрисида битимлар имзолашган эди.

Александр Квасневский жүгөрфий масофалар катта бўлишига қарамасдан Ўзбекистон Польшанинг муҳим ва нуфузли шериги ҳисобланади, деб баёнот берилади. Ўзбекистон бутун Марказий Осиёда барқарорлаштирувчи ролни ўйнаяпти, деганиди Польша президенти.

— Ўзбекистон мустақилликка эришибгина қолмай, балки у мустақил сийосати тўғрисида ўз мустақиллигини мустаҳкамламоқда. У жаҳон иқтисодига қиришга имкон берадиган иқтисодий ислохотларни олиб бормоқда, Польша президенти шу тарафдан Ўзбекистонга 30 миллион доллар миқдорда ҳукумат кредити бериш тўғрисида музоқаралар бошлатганини маълум қилганини

Ислом Каримовнинг Поляшага дастлабки ташрифи 1995 йил январда бўлиб ўтганди. Ташриф давомида Ўзбекистон — Поляша ўзаро манфаатли алоқаларини йўлга қўйиш жараёнида асосий пойдевор бўлган қўлпа хужжат ва битимлар имзоланганди.

Бугуни кунда Ўзбекистонда польшалик сармоядорлар иштирокда барпо этилган 17 та қўшма қорхона фаолият юритмоқда. Шунингдек, 100 фоиз Польша сармояси билан ишлаётган дизель агрегатлариغا хатийт қисмлар чиқарувчи, маъдани қувлар қуйиш қурилиш, дори-дармонлар ишлаш қириш учун ускуналар етказиб бериш соҳасида иш олиб бораётган яна иккита қорхона маъмул.

Газетамизнинг шу йил 30 апрель сониди «Бевакт гоийб бўлган автобуслар» сарлавҳаси билан танқидий мақола босилиб, шахримиздаги айрим транспорт йўналишлари катнов жадвали ҳақида эътирозлар ва фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Ушбу танқидий материал юзасидан «Тошшаҳарйўловчтранс» давлат уюشمаси бoshқаруви раисининг ўринбосари М. Мир-косимов имзоси билан кўйдагича жавоб олинди:

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Тошкент оқшоми» газетасининг 2003 йил 30 апрель сонидagi «Бевақт ғойиб бўлган автобуслар» сарлавхали танқидий мақола уюшмамизда автобус саройлари раҳбарлари муовинларининг навбатдаги 12 май кунидagi йиғилишида ўқиб эшиттирилди.

Уюшманинг барча транспорт корхоналарида ҳаракат воситаларининг ҳавада бўйича ишлаши, айниқса кечки 21.00, 22.00 ва 23.00 соатларда режадаги автобусларни тўла иш-лашлари бўйича чора-тадбирлар белгиланди. 19-автобус йўналишига эса тўлиқ ҳавада ишловчи сарой рақами 232 бўлган «ЛАЗ» рўсмולי автобуси бириктирилди.

Хозирда ҳаракат воситаларининг етишмаслиги, «тиғиз-соатларда йўловчилар оқимининг кескин кўпайиши ҳамда транспортнинг тибанблигига сабаб бўлмақда. 115-автобус йўналишига «Мерседес-Бенц» автобуслари бириктирилганлигига қарамай, «Обод» ва «Бодомор» маҳаллалари аҳолисининг норозилигига сабаб омиллардан бири 115-автобус йўналишини кўп минг сонли аҳоли шикоятлари асосида ҳамда Тошкент вилоятининг Қибрай тумани ҳокимлиги илтимосига биноан ТашГРЭС шикосилогига зайтирилганлигидир. Йўналиш узайтирилгандан сўнг оралик вақти ҳам узайди. Лекин ҳаракат таркиблири захираси бўшлиган, узайлаётган сонини кўпайтиришининг илмуи бўлмади.

Бу йил Германиянинг «Даймлер-Крайслер» компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ 300 га яқин «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар келтирилиши режалаштирилган. Бу автобуслар келтирилгандан сўнг йўналишлар тизими қайта қўриб чиқилади».



ТУМАННИНГ КЕЧА ВА БУГУНИ

Қадим замонларда эски Тошкентнинг чекка бир худудида ўзининг яхшиликларни билан ном қозонган бир саховатбеша киши яшаган экан. Шайх мартабасига сазовор бўлган ушбу инсон кексайган чоғида халқ ичидида жийда мевасига бўлган шехри билан машҳур эди. Маълумки, жийда ўзининг шиғоббахш хусусиятлари, камсув ерларда ҳам ўса олиши билан ажралиб туради. Ўз уйи атрофида чилонжийда кўчатларини кўплаб екиши натижасида чор-атроф ушбу мева дарахтлари билан қопланди ва шайх халқ ичидида Чилонзор ота номини олди. Чилонжийда дарахтлари гуркираб ўсиб ётган жойларнинг ҳаммасини эса «Чилонзор» номи билан атай бошлашган.

Узоқ вақтлар давомида ҳозирги Чилонзор худудидида тошкентликларнинг чорбоғлари, боқ-роғлари жойлашган. Шу жойларни фаол ўзлаштириш ва қурилишлар қилиш 50-йилларнинг охириларида бошланган. 1956 йилнинг баҳор ойида Чилонзор кўчасида икки қаватли уй-жой қурилишининг илк бор тамал тоши қўйилган бўлиб, 1957 йили Гагарин кўчасида тўртта турар жой биноси фойдаланишга топширилган.

1963 йили Тошкент шаҳрида иккита қўшни туманлар худудидан қисман ўзлаштирилган ҳолда «Москва» жамоа ҳўжалиги ўрнида янги маъмурий ҳудуд — Чилонзор тумани ташкил топди. Чилонзор тумани Тошкент шаҳрининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, асосий чегаралари Ақмал Исмоилов, Шайхонтоҳур, Яқасарой, Сергели ва Тошкент вилоятнинг Зангиота туманлари билан туташди.

1963 йили туманда Мукимий, Қатортол, Волгоград кўчалари вужудга келди ва кўп ўтмай уларда трамвай ва троллейбуслар қатнай бошлади. 1964 йили «Чилонзор» савдо маркази ва «Фуркат» кинотеатри фойдаланишга топширилди. Уша йилиёқ ҳашар йўли билан ёшлар боғи — ҳозирги Ғафур Ғуллом номи маданият ва истироҳат боғи бунёд этилди.

1966 йилнинг апрелида рўй берган қўчли зилзилалардан сўнг туманда қурилиш ишлари жуда ҳам жаддалашди. 1970 йилларнинг охирига келиб, умумий майдони 2,5 миллион квадрат метрлик ҳажмга эга 1200 та кўп қаватли уй-жой бинолари, мактаб, боғча, корхона ва ташкилотлар, маданият-машғий масканлар бунёд этилди. 1977 йилда Тошкент метрополитенинги ишга туширилиб, Собир Раҳимов йўналишидаги «Чилонзор», «Халқлар Дўстлиги», Мирзо Улуғбек, Ҳамза, «Ёшлик» бекатлари Чилонзор тумани худудидан ўтди.

Чилонзор туманида қад ростлаган Халқлар Дўстлиги саройи мажмуаси туман, шаҳар, балки бутун республиканинг меъморий обидлари қаторидан алоҳида ўрин олди. Республиканинг мустақиллигига эришгандан сўнг ўтган вақт ичидида тумандаги барча соҳаларда туб ўзгаришлар ва янгиликлар юз берди.

Туманда Мустақиллик йилларининг бошиданок мамлакат тараққиётининг Юртбошимиз белгиләб берган бешта тамойили асосида ижтимоий-иқтисодий, сийсий ва маънавий ҳаётимизнинг барча соҳаларида қўқур ислохотлар амалга оширилди. Шу йиллар ичидида кўплаб уй-жой бинолари қад кўтарди. Мустақиллик шарофати билан «Ц» даҳасида замонавий лойиҳа асосида янги хусусий уй-жой мавзеси ташкил топди.

Ҳозирги кунда туманининг умумий майдони — 2994 гектар, аҳоли сони — 203,8 минг кишидан иборат.

Туманда 43 та маҳалла бўлиб, «Дўмбиробод», «Катта Қозиробод», «Чилонзор», «Мевазор», «Чарх Камолон», «Қатортол» каби маҳаллалар энг катта ва қадимий ҳисобланади.

Туманда 9300 киши фаолият кўрсатаётган 11 та транспорт ташкилотлари мавжуд. Туман уй-жойлардан фойдаланиш бирлашмаси балансида 2847245,7 минг квадрат метрлик жами 8248 та уй-жой бинолари бўлиб, улардан 1123 таси кўп қаватли бинолардир. «Ўзуйиққурилишбанк» томонидан 36 та уй-жой иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мустақиллик йилларида бунёдкорлик ишларининг гўзал намунаси сифатида туманда шейринг сўлтони Алишер Навоий номидаги миллий боғ ва Олий Мажлис биноси бунёд этилди.

Ўзбек халқиға мос бўлган ва ҳозирда республикаимиз миқёсида кенг тус олган олижаноб иш — кўчалар, йўллар, кўприклар қуриш аънанаси тикланиб, тумандаги бир неча кўчалар кенг, равои шохшўчаларга айлантирилиб, Халқлар Дўстлиги кўчасида энг 19 метр, 247 метр узунлида кўприк қурилди.

Чилонзор тумани ўзининг маълум иқтисодий ва ижтимоий салохият негизига эгадир. Туман худудидида фаолият кўрсатаётган асосий 36 та саноат корхоналарида 11010 та киши меҳнат қилади.

Корхоналарнинг 2002 йилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жорий нархда 95,0 миллилард сўми ташкил қилди. Умумий ҳажми 96,5 миллиард сўм миқдоридида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Туманда фаолият кўрсатаётган пойабзал корхонаси, «Алгоритм» ОТАЖ, «Қоқ-қола ЛТД», «Реле ва автоматика», «Метрокўрилиш», «ПГС», 8-темир-бетон буюмлари корхоналари пойтахт ва республика миқёсида алоҳида ўрин тутди.

Мустақиллик даврида туманда қисқа муддатда ҳорижий ҳамкорлар билан биргаликда 259 та қўшма корхоналар барпо этилди. Италия билан ҳамкорлигида ташкил этилган «Совластитал» қўшма корхонасида янги технология асосида юкори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган турли ҳиллар давом этишга буюмлар, зебу зийнатлар, бинолари бе-заш учун ишлатиладиган ниятда қўқам қурилиш мате-

риаллари бугун хондонларимизнинг кўрқи бўлмоқда. Корхона 2002 йилнинг ўзида 4412,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган.

Бугунги кунда туман иқтисодиёти салоҳиятига кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Туманда иқтисодий тузилмалар ривожланишига кенг йўл очилиб, тадбиркорларга барча шарт-шароитлар яратилди.

Туманда 2003 йил январь ҳолатига кўра ҳўжалик субъектлари 2872 та бўлиб, улардан 362 таси йирик, 151 таси ўртача, 598 таси кичик ва 1761 таси микрофирмаларни ташкил этади. 2002 йил мобайнида 42 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан 2563,1 минг АҚШ доллар-рилик маҳсулот экспорт қилинди.

Чет эл кредит линиялари ҳўсобиға инвестицияларни олиб кириш борасида «Дельта-инвест» қўшма корхонаси Осиё тараққиёт банки имтиёзли кредит линияси орқали 2,976 миллион АҚШ доллари миқдоридида, «Ўзғаришро-таъминот» корхонаси 350 минг АҚШ доллари миқдоридида кредит олишға муваффақ бўлдилар.

Мустақиллик шарофати билан туманда бир неча йўналишдаги Иқтисодиёт университетининг ўз фаолиятини бошлаши ҳамда янги тизимдаги ўқув марказлари — Тошкент транспорт касб-хўнар коллежи ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги академик лицей мажмуасининг қурилиб ишга туширилиши фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етиштишлари мақсадида қабул қилинган «Таълим ҳақидаги» Қонун, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш йўлида катта салмоқда эгадир.

Туманда 32 та умумтаълим мактаби, 17 та ўрта махсус билим юртлари, академик лицей ва коллежлар, 59 та мактабгача таълим муассасалари ва 1 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Уларда 60840 мингдан ортқ талаба ва ўқувчилар таълим олишади. Таълим соҳасида халқаро ҳамкорлиқни амалга ошириб, 101, 103-мактаблар АҚШдаги Чикаго ҳамкорлик жамғармаси, Оңқ жамият институтидан Интернет тармоғиға уланшиш кафолатини берувчи кичик грантларга эга бўлдилар. 2002 йил баҳорида 15 нафар ўқувчи АҚШда ўқиб, уларнинг таълим олиш жараёнини ўрган-дилар. 2002 йили Тошкент шаҳридан 9 нафар ўқувчи АК-СЕЛС грантини қўлга киритди, шулардан 5 нафари 178-мактаб ўқувчиларидир.

Туманда В. Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий маркази, Гематология ва қон қўйиш илмий-текшириш институти, Республика саломатлик маркази, Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг марказий шифохонаси фаолият кўрсатади. 2001 йилда 1-Республика клиник шифохонаси янгидан таъмирланиб, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган янги тиббиёт биноси қурилиб, Республика тез-шошилиқ тиббий ёрдам марказига айлантирилди. Бугунги кунда туманда 7 та оливейли поликлиника филиаллари, 7-туркук комплекси, 2-шаҳар перинатал маркази, 3 та диспансер, 1 та ДСЭНМ, тез ёрдам кўрсатиш станцияси ва 2 та шифохона ишлаб турибди.

Кейинги йилларда туманда маданий муассасаларнинг моддий негизини мустаҳкамлаш ишларига эътибор қўчай-тирилди.

Туманда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, аҳоли ва ёшларнинг илмий, маънавий дунёқарашини кен-гайтириш, тўлақонли маданий дам олишлари учун Мукимий номи мусикали драма ва оперетта театрлари, А. Навоий номи Миллий ҳамда Ғафур Ғуллом номи маданият ва истироҳат боғлари, Гагарин номи кинотеатр ишлаб турибди. Чилонзор туманида 3 та мусика ва санъат мактаби, 2 та маданият саройи, 4 та маданият уйлари бор. Фуркат номи марказий кутубхона ва 12 та оммавий кутубхона 30203 та китобхонга эга бўлиб, 303.759 та китоб фондига эга.

Туманда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари янада ривожланиб бормоқда. Чўнончи Чилонзор худудидида иккита бозор, 855 та савдо дўконлари ва 208 та умумий овқатланиш корхоналари мавжуд. Ҳозирда туманда ўтказилаётган коммунал ислохотлар асосида 53 та уй-жой эгалари мулкдорлари ташкилотлари ташкил топган. Бу эса туман аҳолисиға ўз маиший ва бошқа муаммоларини му-стақил ҳал қила олуви, ўзларини уйлариининг тўла эгалари деб ҳис қилишлари имкониятини беради.

Туманда Мудрофа Вазирлигининг Марказий ҳарбий спорт клуби, Республика Олимпия заҳиралари коллежи, «Отчопар» спорт комплекси, 245 та спорт иншоотлари, 3 та стадион, 6 та сув ҳавзаси, 80 та спорт зали, 152 та оқик майдонлар мавжуд.

Республикаимизда қариялар, пенсионерлар, ногиронлар, она ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш давлат сийсати аҳамиятини касб этган. Туманда пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишларига муҳим эътибор қаратилмоқда.

2002 йилда тумандаги алоқа бўлимлари ва халқ банки орқали 31457 нафар пенсионерларға 573366,1 миллион сўм маблаг сарфланди.

Ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш мақсадида фарзанд тарбияси билан боғлиқ таътилдаги ҳам таъминланган оиладаги оналарға имтиёзли моддий ёрдам тўлақонли амалга оширилиб, 2002 йил давомида ишлатмайдиган 2 ёшгача боласи бўлган 1595 та оналарда 148247 минг сўм, 18 ёшгача болалари бўлган оналарға 101 миллион 094 сўм миқдоридида нафакалар тўлиқ тўланди. Кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож оилаға 62 миллион 087 сўм миқдоридида пўл берилди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда Чилонзор туманида барча жабҳаларда ўзгаришлар, изланиш ва қурилишлар давом этишга, туман обод ва қўқам бўлиб, тобора яшариб бормоқда.

• 2003 — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Бу маҳалланинг таърифини эшитганимда нуроний онахонларимизнинг секингина, ўзларигагина хос қилиб айтадиган «Ёмон кўзлардан асрасин» деган иборалари ёди-мизға келди...

ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ

Тумандаги сўлим, обод «Шарқ тонги» маҳалласи бизни ўзгача таровати билан мафтун этди. Азалий қадриятларимиз бўлимиш каттаға ҳурмат, кичикка иззат кўрсатиш, саховатли бўлиш, меҳнатсеварлик каби қатор ҳислатлар миллатимизға хос фазилатлардир. Энг

муҳими, ушбу маҳаллада ана шу қадриятлар эъзозланади.

— 2 мингдан ортқ фуқаро истиқомат қилувчи маҳалламиз тинч, осойишта, — дейди маҳалла оқсоқоли Обиджон Аҳмедов. — Педагог-тарбиячи, профилактика инспектори, по-

сбонлар, қолаверса, маҳалла фаолларининг ибратли ишлари боис жиноят кўчасига кирган, тартибни бузган шахслар йўқ, воғна етмаган ўсмирлар билан мунтазам таълим-тарбия ишлари олиб борилади, бўш вақтлари тўғри тақсимланади. Шунинг учун бўлса керак ёшларимиз кўпроқ илм сирларини эгаллаб, билимли, хўнарли инсонлар қаторидан ўрин олмақдалар.

Эътиборли томони, ушбу маҳаллада ажралишганлар йўқ, шу билан бирға балоғатға етмаган болалар ўртасида рўйхатда турганлар ҳам йўқ. Бу ерда болалар спортига жиддий эътибор қаратилмоқда. Мавжуд 2 та (болалар ҳамда ўсмирлар) футбол жамоалари маҳалла фахри ҳисобланади. Маҳалла аҳли атроф-

даги корхона, ташкилотлар, мактаб, боғча, туман меҳнат бўлими билан ақин алоқада. Айниқса, тумандаги «Алгоритм» корхонаси раҳбарияти маҳаллада истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандларига сезиларли ёрдам бериб келмоқда. Яъни, бир неча йиллардан буюн корхона маъмурияти маҳалладаги 8 нафар оила фарзандлари учун «Эль-брус» дам олиш масканига (кишки ва ёзги таътил кўнларида) бепул йўлланмалар ажратмоқда.

Мазкур маҳалла худудида новвойхона, автомобиль таъмирлаш устaxonаси ҳамда кичик қандолат цехлари ишлаб турибди. Маҳалланинг 20 нафардан ортқ фуқаролари иш билан таъминланганларидан ташқари, олинган

фойда муҳтож оилаларға моддий ёрдам кўрсатишға сарфланади.

Шу кўнларда эса ободончиликка эътибор қаратилиб маҳалладаги таъмирталаб кўчалар асфальтланмоқда.

Маҳаллада хотин-қизлар комиссияси (раиси Фарида Фозилова), маҳалла педагоги (Дилфузахон Афзалхонава), ҳамда тикиш-би-чиш тўғараги фаолияти режа асосида ташкил этилган. Бундан ташқари шахмат-шахка тўғараги фаолиятидан маҳалладошлар мамнун.

«Шарқ тонги» маҳалласидан қайтаётиб, маҳалла аҳлининг эзгу, савобли ишларида муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қолдик.

(Ўз муҳбиримиз)

• ТАДБИРКОРЛИК

ХАРИДОР ТАЛАБИГА МОС

Тумандаги «DELTA INVEST» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонасида замонавий аёллар пойабзаллари ишлаб чиқарилмоқда.

Фаолиятини 2002 йилнинг ноябрь ойидан бошлаган корхона тадбиркорлари бугунги кўнга келиб 30 дан ортқ турдаги сифатли, бежирим, рақобатбардош маҳсулотлар билан ички бозоримизни тўлдиришға бел боғлаганлар.

— Ишни аввало ҳорижий технологияларни келтириб, цехда ўрна-тишдан бошладик, — дейди корхона бош директори ўринбосари Қаҳ-хор Қодиров. — Шу асосда австриялик ҳамкорларимиз ёрдамида маҳаллий ёшларимиз дастгоҳ ва ускуналарда ишлашни тез ва соз ўзлаштириб олдилар.

Бугунги кунда корхонанинг кенг, ёруғ ва ишчилар учун ҳар томонлама қўлай қилиб жиҳозланган иш жойларида 1 сменада 200 минг жуфт сифатли пойабзал ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Харидор-доргис маҳсулотлари: аёлларнинг замонавий, қўндалик, қишки ҳамда махсус пойабзалларини 70 нафарға яқин ёш, малакали, касбига меҳр қўйган ишчилар ишлаб чиқармоқдалар.

Маҳсулот тайёрлаш учун юкори сифатли хом ашё ҳорижий ҳамкорлар томонидан келтирилади. Ишлаб чиқарилаётган пойабзал турлари Европа давлатларида етакчи ҳисобланган италияликлар каталоглари ҳамда маҳаллий моделерлар иқодий ишлари самарасидир. Ушбу маҳсулотларнинг ҳаммаси соф теридан тикилиб, енгил, қўлай ва асосийси чидамлилиги билан ажралиб туради.

Қўшма корхонада буюртмалар асосан ускуналар ёрдамида бажарилса-да, шу билан бирға кўплаб миқозлар хоҳишиға кўра қўлда тикиладиганлари ҳам бор. Булар усталардан юксак малака, қўнг, чидам, зеҳнини ҳам талаб қилади. Ишчилар бу ишларни ҳам жуда яхши урдаламоқдалар. Мазкур қўл меҳнати талаб қилувчи буюртмалар эксклюзив нусхада тикилади. Бундай буюртмаларни ёш келин-куёв-лар тўй маросимлари учун тиктирадилар.

Корхона маҳсулотлари ички бозорда харидордоргис бўлиб, шахри-миздаги марказий дўконлар ва супермаркетларда сотилмоқда. Шу-нис эътиборлики, корхона аҳли шахримиздаги қайта таъмирланиб, янги қиёфа кашф этган 4 та меҳмонхона ҳодимлари учун 3 минг донна махсус пойабзаллар тайёрлаб бердилар.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб меҳнат қилаётган қўшма корхона тадбиркорлари доимо изланишда. Улар мавжуд им-кониятлардан оқилона фойдаланишмоқда, харидорларни жалб этиш йўлларини излашяпти. Жумладан, келгусида пойтахтимиздаги йирик савдо дўконлари, супермаркетлар қошида теридан тайёрланган пойабзалларни таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун кичик устакхоналар очилиши мўлжалламоқдалар. Бундай хизмат ҳамшаҳарларимиз учун яна бир қўлайлик яратди, албатта.

Асосий эътибор эса жамоа ишбилармонлари томонидан замона-вий аёллар пойабзалларини сифатли ва нисбатан арзон нархларда ишлаб чиқариб, аҳоли эҳтиёжини қондиришға қаратилган.

«Излаган имкон топади» деганларидек, тадбиркорларнинг бугунги сазй-ҳаракатлари, интилишлари келгусида бундан-да сифатли, ха-ридор дидига мос пойабзалларда ўз ақсини топиши, шубҳасиз.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

• БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИДА

ХАЙР БОҒЧА, САЛОМ МАКТАБ!

Пойтахтимиздаги «Камалак» 406-сонли болалар ясли-боғчаси тумандаги намунали болалар масканларидан ҳисобланади.

Ушбу боғча 35 йилдан буюн ўз бағрида ширин-дан шакар болажонларни мактабгача тарбиялаб учирма қилади.

— Ҳозирги кунда бизнинг масканда 250 нафар жажжи ўғил-қизларимиз тарбияланмоқда, — дейди боғча мудираси Муҳайё Иброҳимова. — Улардан 70 нафари мактабға кузатилади. Шу муносабат билан қўни кенча «Хайр боғча, салом мактаб!» деб номланган эртаклик ўтказилди. Тадбиримизда тарбияланувчиларимиз боғчада ўрганган куй-қўшиқлар, шеър, фанлардан олган илк сабакларини ота-оналари, тарбиячи ҳамда меҳмонлар ҳузуридида на-мойиш қилдилар.

Бу кун боғча ҳам мисоли камалакдай товланиб, жиловланиб, десак, муболага бўлмайди. Чўнки жо-рий йилда боғча туман ҳўкимлиги ҳамда туман халқ таълими бўлими кўмаги, қўллаб-қувватлаши туфай-ли янги қиёфа касб этган.


Ҳовли байрамона безатилган. Ҳаммининг юзида табассум. Боғчининг мусиқа мураббиси Наталья Назарова барча болажонларни мазкур байрамға пукати, жуда чиройли тайёрлади. Шунингдек, тай-ёрлов-гимназия гуруҳи тарбиячиси Саида Абдул-

лаева ҳамда услубчи Татьяна Марудоваларнинг хизматлари ҳам эътиборға молик бўлди.

Болалар масканида ўзбек ва рус тилларида са-бак олувчи фарзандларимиз учун 12 та гуруҳлар мавжуд. 4 та гуруҳда жажжигина фарзандларимиз тарбиялансалар, қолганларида улардан каттароқлар таъсидикланган режаға асосан мактабға тайёрлаб борилади. Масалан, боғчада ҳисмоний тарбия, ин-глиз тили, рақс тўғарақлари ишлаб турибди, ёзги сув ҳавзаси ҳам фарзандларимиз жазирма кўнла-ри салқинлаб, чинқишлари учун хизмат қилмоқ-да.

— Қувонарли томони шўндаки, жорий йилда бо-лалар спортини ривожлантириш мақсадида «Камалак-да болалар майдончаси қурилиб, фойдаланиш-ға топширилди. Мазкур майдонча футбол, баскет-бол ҳамда волейбол ўйинлариға мўлжалланган.

Юртимиз, туманларимиз ва ҳар бир оилада амал-ға оширилаётган энг эзгу амаллар эртамиз давом-чилари — жондан азиз фарзандларимизнинг жис-монан етук, ақлан баркамол бўлиб воғна етишлари учун қаратилган. Бугунги меҳнат эртаға албатта, самарасини беради.



КЕЛАЖАГИМИЗ УМИДЛАРИ

Эртанги кўнимиз ворислари бўлиш иқтидорли, билимдон, зукко йигит-қизларимиз миллатимиз, юртимиз, келажагимиз эгалари ҳисобланади. Уларға йўналиш беришда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ёшларимизнинг ҳақиқий ҳамкорига айлан-иб бораётган «Камолот»чиларнинг ҳиссаси каттадир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Чилонзор тумани бўлими Кенгаши фаолият юритаётганиға 2 йилдан ошди. Туманда 56 та бошланғич ташкилотлар иш-ламоқда, бундан ташқари бир қанча мар-казлар иши кўнгилдагидек олиб боришмоқ-да.

— Ёзги мавсумиға бир қатор ибратли ишларни амалга оширишни мўлжаллаган-миз, — дейди «Камолот» ЕИХнинг туман бўлими кенгаши раиси Феруз Каримов.

— Ўтказаетган ҳар бир тадбир, баҳс-муно-зара, мулоқот, танлов, учрашувлар ёшларимизнинг тафаккурини, дунёқараши ўси-шиға ёрдам беришини кўзда тутамиз. Ту-манимизнинг 40 йиллик тантаналарига тай-ёргарлик ишларида ҳам фаол қатнашдик. Яқин кўнларда 4 та мактабда битирувчи — 9-11 синф ўқувчилари ўртасида руҳш-нослар билан ҳамкорликда тест-сўровно-

маси ўтказдик. Бундан кўзланган мақсад, ўқишға қиролмаган ёшларға ўз қизиқиш-лари, иқтидорлари, савия ҳамда дунёқа-рашларини ҳисобға олган ҳолда ишға жойлаштишларида тўғри йўл-йўриқ кўр-сатиш ва керакли, фойдали маслаҳатлар бе-ришдан иборат. Бу ишда биз албатта, ту-ман меҳнат, аҳолини ишға жойлаштириш ва ижтимоий ҳўмия қилиш бўлимининг беғараз ёрдамларига таянамиз.

Аънаваний тарзда бу йилги ёз мавсу-мида «Камолот»чиларнинг қурилиш отряд-лари ўз ишларини қизгин тарзда олиб бо-лади. Режаға кўра улар 1 июлдан эътибо-ран тумандаги мавжуд 43 та маҳаллалар-да спорт машиналарида йўлга чиқиб «Спорт кўнлари»ни ўтказадилар. Спорт машинасиға кенг тегишли турли спорт анжомлари қилиб, жойларда қизикарли спорт мусобақалари, баҳс

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Тошкентим — боғу бўстоним

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Шаҳарни ободонлаштириш мажмуавий тизими мавжуд бўлиб, унга нафақат бизнинг хизмат, балки бошқа кўпгина тузилмаларнинг мутахассислари ҳам дахлдордир. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, яратилган тизимнинг узлуksиз фаолият кўрсатиши шаҳар микроклиматининг меъёр даражасида таъминланишига асос бўлмоқда. Бунга уруғ беришим бежиз эмас. Гап шундаки, илгирилари ҳам бу масала кун тартибига чиқар, аммо унинг ҳал этилишига мажмуавий ёндашув бўлмаас эди. Сир эмас, Мустақиллик эришганимиздан сўнг ҳар бир масала аввал ҳар томонлама муҳокама этилиб, ҳаттоки иқтисодий,

ўзгача — ёзда қуруқ иссиқ, чанг кўтарилиши юқори, ҳудуднинг катта қисми асфальт билан қопланган. Бундай «салбий» ҳолатларнинг ўзини қоплаш ва иклимий мувозанатни таъминлаш мақсадида амалга оширилган таъсирчан чора-тадбирлардан асосийси анъанавий мавсумий кўкаламзорлаштириш ойликларидир. Ҳар йили баҳор ва кузда шаҳарнинг яшил ҳудуди янги кўчатлар билан бойитилиши қаторида шунингдек, ўз манзарали хусусиятларини йўқотган дарахтларни олиб ташлаш ишлари амалга оширилди. Бир мавсумда 85 минг тул дарахт ва 2,5 миллионга яқин гул кўчатлари экилади. Бугунги кунда шаҳримизда 5 миллиондан зиёд дарахтлар яшнаб турибди, шундан ярами мевадидир.

сув билан таъминлайди. Учинчи босқичда узунлиги 110 километрдан иборат 51 та тарқатувчи каналлар тўқилдирилиб, сўнг навбат ариқларга келади.

Сув етиб бормайдиган жойларда, шу жумладан маҳалла ҳудудларида ҳар томонлама ўрганишлар ўтказилиб, ҳулосага мувофиқ керак бўлса ариқлар қазииш, насос-тортиқлар қуриш жоиз. Бу борада қурилатган ёки қайта таъмирланган объектлар жойлаштиришга алоҳида аҳамият бериш даркор.

Аммо бу масаланинг яна бир бошқа томони бор. Кўпчиликка маълум, баъзи хусусий хонадон эгалари марказий оқова сув тармоғи мавжудлиги тўғрисида уйи олдидаги ариқларни кўмиб ташлаган. Манзилларда яшовчилар эса экинлари ичимлик сувлари орқали сугоришади.

Ариқлар фақат доимий сув бўлсагина керак эмас, балки тошқинларнинг олдини олиш, тома-тома кўл бўлур деганларидек, улар орқали ёмғир сувлари боқичма-боқич каналларга, дарёларга қўйилиши учун хизмат қилишидек оддий ҳақиқатни аҳолига тушуништиришимиз керак. Биз сув танқислиги ҳақида кўп гапиримиз, аммо бу муаммонинг ечими ўзимизга боғлиқ эканлигини тан олмаймиз. Шу кўнчага на ичимлик сувидан, на, масалан, ёмғир сувидан унумли фойдаланишни ўрганимиз. Атрофимизда бир назар ташлашимизнинг ўзи кифоя — канал ва анҳорларимизнинг аксарияти чиқиндиҳоналарга айланиб қолганлигини кўраимиз. Ваҳоланки, бир пайтлар ариқлар хашар йўли билан қазилган бўлса, биргаликда тозаланиб ҳам турилган. Шу босидан сув қадрланган ва эъзозланган. Кишилариимиз сувнинг тозаланиши сақлашлари ва ундан тежамкорлик билан фойдаланишлари керак. Бу борада яна бир муаммо мавжуд. Масалан, Ўзбекистон кўчаси атрофида яшовчи айрим хонадон эгаларини майсазорларда уй ҳайвонларини ўтлатиш мумкин эмаслиги тўғрисида қанчалик огоҳлантирмайлик, бироқ барибир бундай ҳолатлар давом этмоқда...

— Кўкаламзорлаштиришнинг эстетик аҳамияти ҳам катта аилбатта. Бирон-бир ҳудудга кўчат ўтказилишида аввал шу жойнинг кўриниши, транспорт ҳаракати, атмосферанинг ифлослангани инобатга олиниб, шунга кўра кўчатларнинг сони ва турлари танланади. Эскиз-чизмалар ижодий кенгаида тасдиқлангандан кейин киши ишлари амалга оширилади...

Илгари марказий кўчаларда, автотранспорт ҳаракати тигиз ва бетўхтов жойларда асосан турли иқлимга ва зарарли газларга чидамли манзарали дарахтлар экиларди. Бундай шароитга мевали дарахтлар бардош бера олмаслиги эса ҳаммага тушунарлидир. Бунчи ҳисобга олган ҳолда, мевали дарахтлар дам олиш масканларида, яъни транспорт ҳаракати кам бўлиб, одамларга яқинроқ жойларга экиларди. Ҳозир ҳам бу қоидага риоя қилинади, лекин бу борада анча қўшимчалар киритилган. Шоҳқўчалар ва катта кўчаларда яшил манзара кишини-ёзини сақлаш туришини таъминлаш мақсадида манзарали дарахтлар ўтказилишида «ошиғи» усули, яъни бир-бирининг ўрнини босиб давом эттириш лойиҳаси қўлланилади. Масалан, баҳорда ва ёзда кўм-кўм эман, шумтол, қулранг заранг қузага келиб бағрини ташлаши билан улар ўрнини келгуси баҳоргача игна баргли ўсимликлар тўқилдириб боради.

Хиёбон ва боғлар қиёфасига гуллайдиган дарахтлар ўзгача чирой бахшида элади. Баҳорнинг илк кунлари бу жойларда бағрикан, полияни очилган бўлса, хозирда лола дарахти гулларга бурканган. Бироз вақт ўтган гўнчаб турган япон софориаси очилади ва унинг иси то кузгача таралиб боради. Бундай гўзал манзараларни навбатма-навбат гуллайдиган буталар тўқилдириб туради. Улар қаторига форзица, дейция, жасмин, бузина, спирея кириди. Дарёюк, бу йили баҳор мавсумида уч миллиондан ортиқроқ гул кўчатлари экилди.

Ўтган баҳорда Амир Темур номи хиёбон яшил «жамгармаси» ҳам анча бойитилди. Бу ерда асосан Темурийлар даврига мансуб тиния, целозия, портулак, петунья, ирис каби кўчатлар парваршишига эътибор қаратилса, Алишер Навоий номи миллий боғнинг яшил композицияси монументал ва манзарали тут остида тўшалган гиламдек ҳар хил атир гуллар кўринишида яратилган.

— Пойтахтнинг манзарали ва мевали дарахтлар ҳамда буталарга бўлган эҳтиёжини қондириш юмушлари билан унча ҳўжалик — шаҳар манзарали боғдорчилик ва гулчилик ҳўжалиги, Шедер номидаги илмий-текишириш институти ва Ботаника ботаник шўгулланган. Айтиб ўтиш жоиз, бугунги кунда шаҳримиз кўчалари ва марказий майдонларининг атрофи янги кўринишдаги гул кўчатлари билан безатилишида манзарали боғдорчилик ва гулчилик ҳўжалигининг хизматлари катта.

Биз келгусида ҳам шаҳарнинг марказий қисминини кўп йиллик дарахтлар, буталар экиш орқали бойитиб ва янгилаб бораимиз, дарахт ва гул кўчатлари турларини кўпайтириш, янги безаш шакллари яратишга ҳаракат қилимиз. Бу борада анъанави айланиб борайтган флористика кўргазмалари ҳам бизга катта ёрдам беради. Бундай тадбирларда кўшпа ҳаваскор боғбонлар, гулчилар, турли мулк шаклидаги корхоналар иштирок элади. Бундай ўзаро таъжирба алмаиш жуда фойдалидир. Зеро барчамизнинг мақсади битта — атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ва жонахон шаҳримиз яшил қиёфасини янада бойитиш.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
ёзиб олди.

• ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИДА

ТИКАНАКЛИ АРЧА

Игна баргли дарахтлар орасида тиканакли арча ёки ель алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг қумуш, мовий, кўк ранглилари кишига ўзига хос эстетик кайфият бағишлайди.



Ель ватани — Шимолий Америка ҳисобланади. Тиканакли арча бу ерда баландлиги 2-3 минг метр бўлган тоғларда учратиш мумкин. Унинг бўйи 20 метргача ўсиб, танаси диаметри 80 сантиметргача кенгайди. Ель 400-600 йил умр кўради.

Келиб чиқиши тоғли жойлардан бўлса ҳам тиканакли арча ҳар қандай шароитга кўнма ҳосил қилишга қодир. Қуруқлик ва иссиқликка ҳам ўта чидамли. Шу билан бирга намлик паст бўлган ерларда ўз хусусиятларини, шу жумладан манзарали томонларини йўқотиши мумкин.

Киш мавсумининг юқори ҳароратларини бемалол кўтаради. Агарда тиканакли арчага тўғри шакл бериб борилса, у яхши ва тез ривожланиб бораверади. Шаҳар шароитида қуёшнинг тўғри нуруларидан йироқроқ жойларга экиш тавсия этилади.

ҚАРАҒАЙ

Ватани Крим бўлмиш **Паллас қарағайи** (ёки сосна) ҳам игна баргли дарахтлар турига кириди. Ўзбекистон қарағайнинг иккинчи ватани деб бежиз қўйилмайди, нега деганда у дастлаб бу ерга келтирилгандан сўнг кўп суғорилгани боис табиий ҳолатига кўра икки марта тезроқ ривожланиб бошлаган. Ўн йил ичида қарағай бўйига 5-6 метр, энига 10-12 сантиметр ўсади.



5 йилгача қарағай ҳаёти «хавфли» ҳисобланади. Шу дарадан муваффақиятли ўтган қарағайлар баргли ўсимликлар каби тезлик билан ривожланиб бораверади. 200 йил умр кўрган қарағайлар бўйи 30-35 метр, танаси 80 сантиметрни ташкил қилиши мумкин.

Қарағай шохлари аввал қонуссимон, 40 йиллардан сўнг ғўлбасимон, кейинчалик қўябосимон бўлиб ўсади. Илдири тизими жуда бақувват. Паллас соснаси кескин шамолларга ҳам чидамли. Тупроқ қандай бўлишидан қатъий назар ҳар қандай шароитда ривожланиши мумкин, ҳаттоки қум ёки тош аралаш жойларда ҳам тетик ўсади. Қуруқликни ҳам кўтарайди, аммо доимий равишда суғориб турилиши лозим. Шаҳар шароитида очик қуёш нури тўғри келадиган, аммо транспорт ҳаракати унча кескин бўлмаган жойларга экиш тавсия этилади.

Яшил зоналар — шаҳримиз кўрки

сиёсий жиҳатидан ташқари, географик аҳамиятини ҳам эътиборга олган ҳолда, кейин аниқ вазифалар белгиланиши йўлга қўйилди. Бу борада Тошкент шаҳрини мегаполис сифатида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари ҳам четда қолгани йўқ.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида шаҳарни кўкаламзорлаштириш бораида «яшил» дастури ишлаб чиқилиб, жорий қилина бошланди. Бунда асосий эътибор умумий тарзда шаҳарнинг ўзига хос меъморчилигига, шунингдек алоҳида унинг ҳар бир кўча, майдонларига ҳамда жойлар номланиши ва жойлашувидан келиб чиққан ҳолда аъналарга қаратилди. Янги хиёбон ва боғлар барпо этилиши, кўчатлар экилишида ҳам буларнинг ҳаммаси ҳисобга олинган бўлди. Кейинчалик давлатимиз раҳбари таълифига биноан, Тошкентни гуллар шаҳрига айлантириш юзасидан ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Бу йўналишда ўсимликларни экиштириш ва экиш бўйича янги услублар, технологиялардан фойдаланила бошланди.

Бугунги кунда шаҳар яшил камарини ташкил қилиш борасидаги дастур ҳам ҳаётга татбиқ этилмоқда. Унга мувофиқ шаҳар айланма чегарасидаги Халқа йўли атрофларига ҳар йили икки маротаба қўшимча тарзда зарарли ҳаво чиқиндиларига чидам бўлган дарахт кўчатлари экиб борилади. Хусусан, жорий кузги-баҳорги мавсумида бу ҳудудга 100 мингга яқин терак кўчатлари ўтказилди.

Яшил зоналар микроклиматини меъёрида сақлаб туриши ва соғломлаштириш, шамол тезлигини пасайтириш, чанг ва тўзонларни тўтиб қолиш, ҳаводаги туғун ва зарарли газларни ютиш, шовқинни камайтиришнинг ҳаммаси яхши биламиз. Бундай майдонларнинг уч тури мавжуд. Боғ, хиёбонлар, сув соҳиллари, кўчалар ва шаҳар атрофидagi яшил ҳудудлар умумий фойдаланиладиган яшил майдон ҳисобланади. Қисман фойдаланиладиган ҳудудларга турар жойлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар яшил майдонлари кириди. Ва нҳоят, энг катта яшил ҳудудга ботаника ва зоология боғлари, қўчаларлар, гулчилик ҳўжаликлари кириди.

Бу кўпим ёки ками деган ўринли савол туғилади. Ҳозирда шаҳар ҳудуди 34,8 минг гектарга тенг бўлса, унинг яримдан қисми — 15 минг гектари яшил майдон ҳисобланади. Аҳоли сонини 2,5 миллионга тенг деб ҳисоблаган ҳолда бир кўнча ўртача 46,7 квадрат метрдан иборат яшил майдон тўғри келади. Бирок, катта шаҳарлар меъёрига кўра бир кишига 50 квадрат метрга яқин яшил майдон тўғри келиши керак.

Юқорида айтиб ўтилганидек, шаҳримиз иклими

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРТАНИБ
ДОМО БУЛАР...

● Бир донишманддан сўрадилар:
— Қандай қилиб илмнинг энг юқори чўққисига чиқдинг?

Донишманд шундай жавоб берди:

— Билмаган, тушунмаган нарсамни олимдан ҳам, оддий кишидан ҳам, каттадан ҳам, кичикдан ҳам сўрадим. Бу тўғрида уялмадим, номус қилмадим, ўзимни юқори тутиб, мутакаббир бўлмадим.

Яялма маърифатни

ўрганурдан,
Танур жойинг бўлур,
қолсанг танирдан.

● Дўст — муҳтожликда, ёр — меҳнат чоғида билинади. Бир донишманддан: «Қанча дўстинг бор?» деб сўрадилар. Донишманд шундай деб жавоб берди:

— Қанча дўстим борлигини билмаман. Ҳозир турмушим яхши, умрим фаровонлик билан кечиб турибди. Шунинг учун ҳамма менга хушомад қилиб, ўзларининг дўст эканликларини билдириб турибдилар. Мабодо давлатим қўлдан кетса, у чоғда қанча самимий дўстим борлигини билиб оламан.

● Бир донишманд шундай деди:
— Истироҳат ва уйкуга майл қилмасдан илгари шу уч нарсани эсингизга туширинг. Аввало, бугун сиздан бирор хато иш ўтди, йўқми? Агар ўтган бўлса, қандай тадбир билан тузатиш мумкин? Шунинг билан.

Иккинчидан, бугун халқ манфати йўлида бирорта хайрли иш қилдингизми, йўқми? Шунинг андишасини қилинг.

Учинчидан, эсланг, бепарволигингиз ва ишга совуққонлигингиз туфайли қайси ишингиз амалга ошмай қолди?

● Бир фозил кишидан сўрадилар:

— Кўп одамлар мол-давлати кўпроқ бўлган кишига дўст бўладилар, бунинг сабаби нима?

— Мол-давлат бундай одамларнинг — махбуби, махбуб қаерда бўлса унга таъзим қиладилар.

● Арасту Ҳаким айтди:

— Дунёда ҳаммадан кўра ҳасадчининг юки оғирдир, чунки у бахтли одамларни қўрқотмай, ҳасад туфайли келадиган ҳамма қайғу-аламлар юкни ўз устига ортиб юради.

● Инсон табиати ғалати: у бойлигини йўқотса қайғуради, аммо ҳаётининг кунлари мангуга йўқоётганлиги билан иши йўқ.

● Бир араб донишманди айтди:

— Уч нарсга кўнгулга ташвиш келтиради, тинч маишатни бузади: ёмон кўшни, ноқобил фарзанд, бадфелъ хотин.

● Бахт-иқболга мағрур бўлиш мастлиги ичкилик мастлигидан кўркинчироқдир.

● Эгри ишининг сояси ҳам эгри бўлади.

● Ўтган иш учун ҳасрат ва надомат чекмоқ ақлли одамлар иши эмас.

Икки иш қўймас бани одамда
дахр ичра мажол:

Бир таассуф ўтган ишга,
биттаси амри мажол.

Одам эрсанг, кўп таассуф
қилма ўтган иш учун,

Айтмагил сўзни мажолу,
чекмагил ундан малол.

● Уч неъмат қадрига уч тоифа одам етади: ёшлик қадрига — қарилар, саломатлик қадрига — беморлар, хотиржамлик қадрига — ғамташвишли кишилар.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Ахборот технологиялари, интеллектуал мулк бозори, инновация, интернет тизими кабилар кундалик ҳаётимизга янги тушунчалар сифатида иқтисодиёт ҳамда тижоратнинг янги объеклари тарихида кириб келди.

Бу турдаги тушунчалар ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан янги замоннинг янги йўналишлари ҳисобланади. Бизнингча, ҳар қандай катта тадбир аввало маслаҳат ва машварат орқали кенгашиб олиниши лозим. Демокримизки, истеъмолга кириб келган бу турдаги объекларнинг хусусиятлари ва мазмуни, ҳуқуқий мақоми ва айирбошланиши билан боғлиқ муаммоларни тушуниб олиш, тушунтириш, ундан тўғри фойдаланиш ва қўллай билиш учун олимлар, малакали мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари муҳим ҳисобланади.

Кейинги пайтларда юқоридаги тушунчаларни илмий жиҳатдан тушуниб олиш уни амалда қўллаш, бу соҳа объектиларини замон талаблари даражасида ишлаб чиқиши ўзлаштириш мақсадига янги фанлар пайдо бўлмоқда. Ахборот технологияларини аниқ фанлар, техника фанлари ўқитиладиган олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида алоҳида дарслик сифатида киритиш ва ўқитиш, мутахассислар, айниқса, ёшларни малака ошириш ва тажриба алмашиш учун хорижий давлатларга юборишни ташкил этиш, компьютер технологияларини дастур билан таъминлаш, унинг яратувчилари мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кенгайтириш, интеллектуал мулк бозорига монополиянинг, қонунсиз объектилар ишлаб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш, ягона ахборот базасини яратиш асосий вазифа бўлиб бормоқда.

Ахборот технологиялари келгусида мамлакатнинг катта даромад манбаи бўлиб қолаверади. Уни амалда қўллаш эса ҳар биримиздан катта билим ва меҳнат талаб қилади.

Иккинчи қақариқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида — давлатимиз раънақи учун ўта муҳим бўлган Ўзбекистон Республикасининг «Интеграл микрохемалар топологиясининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ўзбеки-

стон Президенти сессияда мазкур қонуннинг келажакдаги аҳамияти ҳақида тўхталар экан, эндиликда ҳар қандай давлатнинг келажagini унинг ақлий салоҳияти ҳисобланган ахборот технологиялари белгилашини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Давлат сиёсатининг янги йўналиши ўзида юқори даражадаги технологиялар яратиш, ахборот-техник воситалар ишлаб чиқариш ва дастурий ривожлантириш, халқ ҳўжаликдаги замонавий технологияларни жорий этишга қаратилмоқда. Ахборот технологияларидан, Интернет тармоғи салоҳиятидан, иқтисодиётнинг барча соҳалари — ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш, коммуникацияда, шунингдек, таълим соҳасида кенгрок фойдаланиш соҳасида давлат дастурларининг қабул қилинаётгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Нафақат табиий заҳиралар, балки ақлий салоҳиятимиз натижаси бўлган ахборот технологиялари ҳам катта бойлигимиз эканлигини яхши англаш мумкин. Шу туфайли илгор илмий технологияларни ривожлантириш ва бу соҳада мутахассис кадрларни ҳам етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўртбосимиз ўзининг ҳар бир чиқишида ахборот технологияларини яратиш, ундан катта даромадлар олиш, иқтисодиётни янги технологиялар билан таъминлашнинг аҳамияти тўғрисида тўхталади. Масалан, Ҳиндистон бу йўналишда сезиларли муваффақиятларга эришганлиги ҳақда эътироф этмоқда. Охириги ўн йил ичида Ҳиндистоннинг бир қанча катта шаҳарларида махсус технологиялар институтлари ташкил этилди, давлат уларни маблаг билан қўллаб-қувватлади, чет эллик мутахассислар бу ишга жалб қилинди. Бугунги кунда бу институтлар йилига минглаб компьютер муҳандислари ва юқори технологияда ишловчи программистларни етиштириш манбаига айланган. Охириги ўн йил ичида бу соҳанинг юқори суръатларда ривожла-

ниши мутахассисларга талабни оширди. Натижада Ҳиндистонлик мутахассислар дунёнинг бошқа мамлакатларидан компьютер қисмлари, янги замонавий дастурлар бўйича қўллаб-бюроғларни ола бошладилар. Иқтисодий натижаларга назар солданим бўлсак, Ҳиндистон 2000 йилда 4 миллиард АҚШ доллари миқдорида дастурлаш махсулотларини экспорт қилди. 2001 йилги кўзланган марра эса 6,2, 2002 йилга эса 9,5 миллиард доллар атрофида бўлди.

Республикамызда интеллектуал мулкнинг объекти ҳисобланган ва бевосита илмий технология билан боғлиқ фаолиятлар ҳуқуқий муҳофазасига олинган. XXI аср «Интеллектуал мулк» асри деб баъшорат қилинпти.

Қўллаб-корпорация ва агентликлар интеллектуал мулк объектиларини ишлаб чиқарувчи турли-туман корхоналарни бирлаштирган. Яъни, бу соҳада интеграция вужудга келтирилмоқда. Бундай ташкилотлар ҳар йили дунё мамлакатлари томонидан қонунсиз объектилардан фойдаланилганда етказилаётган моддий зарарнинг тахминий миқдорини бозорга салбий таъсир этувчи омиллар ва ҳудудлар ҳамда бошқа факторлар ҳақида маълумотлар эълон қилиб бормоқда.

XII асрда ахборот ва илмий технология бозорини эгаллаш учун рақобат ривожланиб боради. Бундай кескин ва шиддатли илмий-технологик ривожланиш босқичида Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистон ўзининг, муқтаҳам мавзёга эга бўлиши лозим. Бу эса ҳақиқатан ҳам соҳани ривожлантиришга хизмат қиладиган янги авлоднинг тарбиялаш, улар онгини замонавий билимга асосланган дунёқараш билан бойитиш, уларда юксак ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришдан иборат.

Алишер СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат ва
жамият қурилиши академияси
тингловчиси.



Миллий анъаналаримиз барҳаёт.

«Қувноқлар ва зукколар»

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрлари талабалари ўртасида ўтказиб келинаётган «Қувноқлар ва зукколар» телемусобақаси қатнашчилари яна бир бор ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Ўзбекистон Республикаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон «Қувноқлар ва зукколар» жамоалари асо-социацияси, «Қўнғил» театр-студияси ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамкорлида ўтказиб келаётган «Қувноқлар ва зукколар» телемусобақасининг ярим финал босқичи бу гал Тошкент Автомобиль йўллари институтининг Маданият саройида бўлиб ўтди.

Беллашувда Тошкент Давлат аграр университетининг «Янги юлдузлар», Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институтининг «Болалар» ҳамда Тошкент Автомобиль йўллари институтининг «Сано» жамоалари ўзаро куч синашдилар. Беллашув шартлари ўз босқичдан иборат бўлиб, биринчиси таништирув: «Талабалик олтин даврим», иккинчиси «Менинг биринчи таж-

рибам» ҳамда учинчи шарт «Ажойиб кун» мавзуларида талабалар ўз фикр ва мулоҳазаларини саҳна қўринишлари орқали ҳам назарий, ҳам амалий тарзда ифода-лаб беришди.

Ушбу шартлар бўйича жамоаларнинг олган баллари ҳақамлар хайфати томонидан баҳолаб борилиди. Ҳар уччала шарт бўйича ҳам устунлики ўз қўлида тутган Тошкент Автомобиль йўллари институтининг «Сано» жамоаси 112 балл билан ғолибликка эришдилар. Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институтининг «Божалар» жамоаси эса II ўрин учун 96 балл тўплаган бўлса, Тошкент Давлат аграр университетининг «Янги юлдузлар» жамоаси 94 балл олиб III ўрин билан қиёфоландилар.

Эргаш БОБОРАЖАБОВ

«ЖАМИЯТДА
МЕНИНГ
ЎРНИМ»

«Бунёдкор» ёшлар телеклубида Тошкентдаги ижодкор ёшлар ишти-рокида «Жамиятда менинг ўрним» номли кўрик-танлов ўтказилди.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Бунёдкор» ёшлар телеклуби иқтидорли, изланувчан йигит-қизларнинг бошини қовуштирмоқда. Шунингдек уларнинг келажакда ўзлари қизиққан соҳанинг етук мутахассислари бўлиб етишишлари йўлида қатор ишларни амалга оширмоқда. Клубда ўтказилаётган турли тадбирлар ёш авлодни келажакка тайёрлаш, истеъдодларини намоиш этишларига кўмаклашишга йўналтирилган.

Клуб ўтказган «Жамиятда менинг ўрним» кўрик-танловида пойтахтимиз мактабларида таълим олаётган энг иқтидорли ёшлар ўзларининг ижодий ишлари билан қатнашдилар. Танлов кўргазмалар намоиши, «Жамиятда менинг ўрним» мавзуида ўқувчиларнинг фикри ва дунёқарашини, ўзлари олиб келган предметлар асосида ижод намуналарини яратиб бериш каби шартлар асосида ўтказилди.

Танловда намоиш этилган фазовий ҳисмларнинг моделлари, ҳаракатланувчи техник воситалар, айниқса тикувчилик, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги каби халқ амалий санъати намуналари бугунги ёшлар эртанги кунга интилувчан, ҳаётда ўз ўринларини топишда ҳаракат қилаётганликларидан далолат беради. Ғолибларга туман ҳокимлиги ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

«Туркистон-пресс»

«Тошкент
оқшоми»**ҲУҚУҚИЙ
МАСПАХАТХОНАСИ**

Қонунга ҳурмат ва итоаткорлик — ҳаёт мезони

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

III бўлим. Мулк ҳуқуқи ҳамда мулккий муносабатларга тааллуқли масала ва муаммолар ечими

Давлат... барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химоисидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан

Одам ўзини чинакамига мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самардорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди.

Ўзини мулкдор, мулк ҳўжайини, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин куч-ғайратини юзага чиқаради, унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этади, уни ташаббускор ва омилкор қилади.

И.А.КАРИМОВ

3.1. Фуқароларнинг мулк ҳуқуқи тўғрисидаги умумий қоидалар

83. Мулк ҳуқуқи тушунчаси нимани англатади? Мулкнинг дахлсиз эканлиги тўғрисидаги конституциявий қоида қай тартибда таъминланади?

Мулк ҳуқуқи, **Фуқаролик кодексининг 164-моддасида** белгиланганидек, шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини қўлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади.

Мулкнинг дахлсизлиги замирида мулкдорга қарши турган барча субъектлар мулк ҳуқуқини бузишдан ўзини тийиш талаби ётади.

Мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади (**Фуқаролик кодексининг 166-моддаси**).

84. Мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг шартлари қандай?

Амалдаги қонун ҳужжатларида, хусусан **Фуқаролик кодексининг 172-моддасида** мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг қуйидаги шартлари белгиланган:

- мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт;

- қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор мол-мулкдан бошқа шахсларнинг чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур;

- мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас;

- мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганида фуқароларнинг соғлиғига ва атроф муҳитга ўзи томонидан зарар етишининг олдини олиш чораларини қўришга мажбур.

Шуни назарда тутиш кераки, мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга оширганда бу шартлар бузилгудек бўлса, манфаатдор шахс, яъни манфаатлари ва ҳуқуқлари бузилган шахс тегишли даъво билан судга мурожаат этишга ҳақли.

(Давоми бор)

ТАДБИРЛАР**ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ**

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигида Маҳалла фуқаролари йиғини кенгаши раислари, маҳалла посбон-сардорлари, педагог-тарбиячилар, «Камолот» ЕИХ туман кенгаши ва Ички ишлар бошқармаси профилактика инспекторлари иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

Маълумки, Обод маҳалла йиғига бағишлаб Ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ЕИХ туман кенгаши, «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси туман бўлими ва Халқ таълими туман бўлими билан биргаликда кўрик-танлов ўтказиш ҳақида келишиб олинган эди.

Унга кўра, туман ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий савияларини ошириш,

бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиб, ижобий натижаларга эришадиган маҳалла сардорлари, педагог-тарбиячилар ўртасида «Энг яхши маҳалла посбони тузилмаси», «Энг яхши маҳалла сардори» ва «Энг яхши педагог-тарбиячи» синараб олиш мўлжалланган.

Ушбу кўрик-танловнинг дастлабки босқичи натижа-

рига кўра «Гулобод» маҳалла посбон тузилмаси сардори Вассила Султонова, «Тахтапұл» маҳалласи педагог-тарбиячиси Ғавҳар Самандаровалар I-ўрин соҳиблари деб топилди ва кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. II-III-ўрин эгалари эса Фаҳрий ёрлик ва қимматбаҳо совринлар билан тақдирландилар.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.**КЎРИК-ТАНЛОВЛАР**

Яқинда, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Маданият марказида «Ўзбекистон — Ватаним» кўшиқлар кўрик танлови бўлиб ўтди.

ХУШОВОЗ ПОСБОНЛАР

Унда пойтахт ички ишлар тизимларида хизмат қилаётган ходимлар ўзларининг иккинчи иқтидорларини намоён этишди. Ушбу санъатга ошуфта қалб эгалари ижро этган куй-қўшиқларда Она-Ватан мадҳи, бурғач садоқат, жўшқин муҳаббат мавзулари тарангун этилди. Кўп сонли муҳлисларнинг ҳаяжонини орттирган мазкур кўрик-танловнинг якуловчи босқичида ғолиблар аниқланди. Акмал Икромов тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Алишер Ҳамроев «Огоҳлик муҳаммаси» деб номланган қўшиқчи маҳорат билан ижро этганлиги учун фахрли I-ўринга сазовор бўлди.

Эндиликда ғолиб Республика микёсида ўтказиладиган «Ўзбекистон — қўшиқ байрами»да иштирок этиш учун йўланма олди. Ҳамза тумани ИИБ штаби навбатчилик қисми инспектори, милиция капитани Комилжон Аҳмедов ҳамда ИИББ Кўрик-

лаш бошқармаси ходими, милиция катта сержанти Хайрулла Мирғязовларга 2-ўрин, Юнусобод тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция лейтенанти Донабек Ҳамроқулов ва ИИББ Ҳужалик бўлими Кўриқлаш взводи милиционери, милиция сержанти Хасан Шомаксудовларга 3-ўрин насиб этди.

Шунингдек, ушбу кўрик-танловнинг қолган иштирокчиларининг ҳам ижро маҳоратлари муносиб баҳолашиб, улар Фаҳрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Ўз куй-қўшиқлари билан дилларни ҳушуд қилган истеъдод соҳибларига — хушовоз посбонларимизга келгусида ҳам санъат оламида юқори чўққилар насиб этишини тилаб қоламиз.

Дилдора РАҲИМОВА,
жамоатчи муҳбир.**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЎЛОНЛАР**

«ЧИЛОНЗОР» ОИЧАЖ

акциядорларнинг йиллик йиғилишини 2003 йил 28 июнь куни соат 10.00 да қуйидаги манзилда ўтказишни маълум қилади: Чилонзор тумани, М. Турсунхўжаев кўчаси, 11-дўкон биноси.

КУН ТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиш тартибини тасдиқлаш.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги № УП-3202 «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2003 йил 13 февралдаги № Р-1708 фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги № 185 «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги ва 2003 йил 19 апрелдаги № 189 «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини бажариш ва мулк шаклини ўзгартириш масаласини кўриб чиқиш.
3. 2002 йил молия-ҳўжалик фаолият натижалари бўйича «Чилонзор» СИЧАЖ раисининг ҳисоботи.
4. «Чилонзор» СИЧАЖ 2002 йил бўйича ҳисоботи ва балансини тасдиқлаш.
5. 2002 йил бўйича аудиторлик текширув ҳулосасини тасдиқлаш.
6. Кузатув Кенгашини ва Бошқарув раисини сайлаш.
7. Бошқа турли масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Тошкент вилояти Зангиота туман суд ижрочилари бўлинмаси судлар Департаменти бошчилигида Тошкент вилоят Зангиота туман жиноий ишлар бўйича судининг ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб ноқонуний равишда, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган авто-транспорт воситалари — ВА3-2101 русумли 1978 йили шлаб чиқарилган оқ рангли машина ва 3 та УАЗ автоуловларини давлат эгалигига ўтказиш ҳақидаги ижро ҳужжатида асосан кимошди савдосини 2003 йил 24 июнь куни ўтказилади.

Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги 16-умумтаълим мактаби томонидан 1994 йилда Зухра Аббасова Сайдазимова номига берилган 45187L рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ****Муассис:**
Тошкент шаҳар
ҳокимлигиМанзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32**ТЕЛЕФОНЛАР:**хатлар — 133-29-70;
ёшловлар:
133-29-85, 133-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
5952 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-3**Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.**
Найр кўрсаткичи — 563Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
Юрғали билан рўқбат олинганНашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларида ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05
телефонга мурожаат қилишнинг мумкин.Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилиши ва сақланиши.«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-йўл.